

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА АЖРАТИЛАДИГАН
СУБСИДИЯЛАР БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024

Хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратиладиган субсидиялар бўйича услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 15 б.

Тузувчи: Б. Донаев

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли катлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратиладиган субсидиялардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ.....	5
ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	6
ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР	7
КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ИШСИЗ ВА ИШ ҚИДИРАЁТГАН, ШУНИНГДЕК, АЙРИМ ТОИФАДАГИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАРГА АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА ХОМ АШЁ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ.....	10
КАСАНАЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШГА САРФЛАНАДИГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ.....	12
ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШ.....	15

Кириш

Хунармандчилик соҳаси – янги ишўринлари ташкил қилиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб етиш, туризмни ривожлантириш борасида ҳам катта имкониятлар манбаи ҳисобланади. Шу боис юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган манзилли дастурлар амалга оширилмоқда.

Миллий хунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини ривожлантириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида сўнгги беш йилда мамлакатимиздаги уста хунармандлар сони 7 баробарга, шогирдлар 9 баробарга кўпайиб, соҳада банд бўлганлар сони 230 минг нафарга етди.

Хунармандларнинг халқ амалий санъати миллий каталоги яратилиб, фахрий ва халқаро кўргазма ҳамда танловларда ғолиб бўлган 340 нафар усталар ушбу каталогдан ўрин олди. Шунингдек, 1,5 мингга яқин хунармандлар туризм реестрига киритилиб, ушбу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллабай ишлаш орқали фойдаланилмаётган имкониятларни тўла ишга солиш, хунармандлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш тизимини янада кенгайтириш, хунармандчилик маҳсулотлари учун янги бозорларни топиш борасида қўшимча чоралар кўриш талаб этилмоқда.

Аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, «уста-шогирд» аънаналари асосида маҳаллаларда ёшларга хунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида хунармандларга субсидиялар ажратиш белгиланган.

Мазкур қўлланмада хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратиладиган субсидиялардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган.

Қўлланма аҳоли ва маҳалладаги масъул ходимлар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги “Аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-91-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-77-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 307-сон қарори



ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. «Хунарманд» уюшмасининг **устувор вазифаси** – худудларда хунармандчилик фаолиятининг ҳар бир йўналишини алоҳида ёндашувлар асосида ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, айниқса, хунармандчиликнинг йўқолиб кетаётган турларини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга етказиш.

Буни билиш зарур!

Хунармандчилик фаолиятининг йўналишлари:

Ганч ўймакорлиги, қўлда гилам тўқиш, қўлда газламалар тўқиш, тош ўймакорлиги, миниатюра, рангасвир, наққошлик ва бўёқли нақшлар тайёрлаш, кандакорлик, мискарлик буюмларини тайёрлаш.

Металлдан буюмлар ясаш, металлдан буюмлар ясаш, тунукадан буюмлар ясаш, миллий пойабзал тайёрлаш, миллий либослар тайёрлаш, бош кийимлар тайёрлаш, ёғоч ўймакорлиги, суюкка ўйма нақш солиш.

Гул босилган газламалар ва чокли буюмлар тайёрлаш, каштачилик, каштачилик, зардўзлик буюмлари, мусиқа асбобларини тайёрлаш, чинни, фаянс ва сопол буюмлари тайёрлаш.

Қимматбаҳо металлдан заргарлик буюмларини, ясаш ўйинчоқлар тайёрлаш, майда ҳайкалтарошлик буюмларини тайёрлаш, чарм маҳсулотларини тайёрлаш, муаллифлик мебелларини тайёрлаш, ёғочдан халқ хунармандчилиги маҳсулотларини тайёрлаш, печка ва каминлар ясаш.

Новдалардан буюмлар тўқиш, мозайка ишлари, кўзгу тайёрлаш, пиша пуфлаш ишлари, ҳажмли ва шаклли қолипларда қуйилган буюмлар тайёрлаш, соатсозлик, эмаллаш ишлари, эсдалик буюмларини тайёрлаш, оддий металлдан миллий услубда тақинчоқлар ясаш.

От анжомларини тайёрлаш, хаттотлик, қадимий кўлёмаларни реставрация қилиш, макраме ва қўлда тўқилган буюмлар тайёрлаш, анъанавий дўппичилик, замонавий санъат асарлари яратиш, деворга безак бериш, анъанавий дизайнерлик хизматларини кўрсатиш, қуроқчилик усулида тикиш.



2. Хунармандлар мазкур йўналишлар бўйича хунармандчилик маҳсулотларини (ишларни, хизматларни) реализация қилиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Субсидиялар туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари (кейинги ўринларда — маҳаллий меҳнат органи) томонидан ажратилади.

3. Талабгор субсидия олиш учун **хоким ёрдамчиси тавсияси** асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси **Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали** мурожаат қилади.


Хунармандчилик фаолиятининг йўналишлари ва маҳсулотларнинг асосий турлари билан қуйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин.

ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР

4. Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган субсидиялар Рўйхати:

Т/р	Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўналишлари	Туман ва шаҳарлар				
		1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа	4-тоифа	5-тоифа
1.	«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун	Базавий ҳисоблаш микдорининг (БҲМ) 2 бараваригача 680 минг сўм			БҲМнинг 4 бараваригача 1 360 минг сўм	БҲМнинг 5 бараваригача 1 700 минг сўм
2.	Шогирдларга — мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун	Харажатларнинг 50 фоизи, бироқ БҲМнинг 25 бараваригача 8 500 минг сўм			Харажатларнинг 75 фоизи, бироқ БҲМнинг 30 бараваригача 10 200 минг сўм	
3.	Усталарга — интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун					
4.	Хунармандларнинг «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун	БҲМнинг 5 бараваригача – 1 700 минг сўм				
5.	Хунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи бўйича	БҲМнинг 40 бараваригача – 13 600 минг сўм				

«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳунармандлар (кейинги ўринларда — ҳунарманд) шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидия ажратиш бўйича **тавсия беришни сўраб** ўзининг доимий яшаш манзилидаги **ҳоким ёрдамчисига** ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки **Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали** электрон шаклдаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.



Маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш

5. Бунни билиш зарур. Маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган талабгорга ҳар бир касаначиликнинг дастлабки **уч ой давомидаги** касаначилик фаолияти учун **бир ойлик ўртача даромади** миқдорида бир марталик субсидия ажратилади.

6. Талабгор касаначиликни ташкил этганидан сўнг субсидия олиш учун **ҳоким ёрдамчиси тавсияси** асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси **Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали** мурожаат қилади.

7. Маҳаллий меҳнат органи субсидия олишни сўраб тақдим этилган ҳужжатларни 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади.

Субсидия бериш учун талабгор ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда расмийлаштирилганлигига камида **3 ой ўтганлиги асос** ҳисобланади.

8. Маҳаллий меҳнат органи талабгорга касаначиликни ташкил этганлиги

учун субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорда субсидия миқдори ва уни ажратиш муддати (мурожаат тушгандан сўнг 3 иш кунидан ошмаган муддатда) кўрсатилиши лозим.

➤ **Буни билиш зарур.**


Субсидия ажратиш куйидагиларга кўра рад этилади:

ҳужжатлар талабгор томонидан **тўлиқ тақдим этилмаганда**;
 касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда;
 касаначининг дастлабки **уч ой давомидаги даромади миқдори** тўғрисидаги маълумот ҳаққонийлиги тасдиқланмаса.

9. Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини бир кун муддатда юборади.

10. Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

11. Субсидияни олаётган талабгор бир вақтнинг ўзида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишсиз шахслар бандлигига кўмаклашишга қаратилган бошқа турдаги субсидияларни ҳам белгиланган тартибда олишга ҳақли.



Касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, айрим тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш учун субсидия ажратиш

12. Талабгорга касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади.

13. Талабгор мурожаатда касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажат миқдорини кўрсатиши лозим.

14. Маҳаллий меҳнат органи талабгорнинг мурожаатини илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади.

15. Маҳаллий меҳнат органи томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри ва тўлиқ, барча ҳужжатлар тақдим этилган ҳамда ёлғон маълумотлар кўрсатилмаган деб топилганда, мурожаат қилган талабгорга ҳар бир касаначига касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида уч иш куни ичида буйруқ қабул қилинади.

Субсидия ажратиш қуйидагиларга кўра рад этилади:

- талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;
- касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида буйруқ қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу буйруқ нусхасини бир кун муддатда юборади.

16. Талабгор касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, малака оширган касаначининг ўқиш яқунланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ушбу касаначининг ўқишни яқунлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини маҳаллий меҳнат органига тақдим этиши шарт.

➤ **Буни билиш зарур.** Маҳаллий меҳнат органи ҳамда ҳоким ёрдамчиси ажратилган субсидия ҳисобидан касаначиларнинг касб-ҳунар ўрганаётганлигини жойига чиққан ҳолда мониторинг қилади.

Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра талабгор томонидан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ҳамда касаначи касб-хунар ўрганмаётганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи ходими ва ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича субсидия ажратилган талабгорга хабарнома юборилади.

17. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи талабгорга ажратилган субсидияни қайтариш бўйича қарор қабул қилади ва унга хабарнома юборади.

18. Хабарномада талабгор томонидан ажратилган субсидияни қайтариш учун маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитлари кўрсатилиши лозим.

19. Талабгор хабарнома тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида фоиз тўловлари билан бирга) тўлиқ миқдорда қайтариши шарт.

Касаначилик ёки хунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш ҳамда мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

20. Талабгорга ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштириш учун мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади.

Талабгор ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштиргандан сўнг субсидия олиш учун тегишли тартибда мурожаат қилади.

21. Талабгорнинг мурожаатида ногиронлиги бўлган шахснинг маълумотлари, талабгорнинг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари) ва манзили кўрсатилиши, шунингдек, мурожаатга ногиронлиги бўлган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси, ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, «Хунарманд» уюшмасига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси илова қилиниши шарт.

22. Маҳаллий меҳнат органи талабгорнинг мурожаатини юқоридаги ҳужжатлар билан бирга 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри ва асосли деб топилганда, талабгорга ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштириш харажатларини қоплаш учун мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад

этиш) тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилинади. Қарорда субсидия миқдори кўрсатилиши лозим.

Субсидия ажратиш қуйидагиларга кўра рад этилади:

- ҳужжатлар талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;
- ногиронлиги бўлган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларида мавжуд бўлмаганда;
- ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштириш тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиғини топмаса.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини бир кун муддатда юборади.

23. Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

Буни билиш зарур!

Ҳоким ёрдамчиси:

- ажратилган субсидия ҳисобидан касаначилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойи мослаштирилганлиги ҳамда талабгор ва касаначи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномага асосан фаолияти олиб бораётганлигини;
- ажратилган субсидия ҳисобидан ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойи мослаштирилганлиги ҳамда якка тартибда тадбиркор сифатида фаолият олиб бораётганлигини олти ой давомида мониторинг қилади.

Касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш

24. Талабгорга касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда субсидия

ажратилади.

25. Талабгорнинг мурожаатида касаначининг фамилияси, исми, отасининг исми, субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари), касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, малака ошириш жойи, ўқиш муддати, ўқитиладиган касб йўналиши номи кўрсатилиши, мурожаатга касаначи билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги меҳнат шартномаси ёки пудрат шартномаси илова қилиниши шарт.

Бунда талабгор мурожаатда касб-хунарга ўқитишга сарфланадиган харажат миқдорини кўрсатиши лозим.

26. Маҳаллий меҳнат органи талабгорнинг мурожаатини илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади.

27. Маҳаллий меҳнат органи томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри ва тўлиқ, барча ҳужжатлар тақдим этилган ҳамда ёлғон маълумотлар кўрсатилмаган деб топилганда, мурожаат қилган талабгорга ҳар бир касаначига касб-хунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида уч иш куни ичида буйруқ қабул қилинади.

28. Субсидия беришни рад этиш

Субсидия ажратиш қуйидагиларга кўра рад этилади:

- ҳужжатлар талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;
- касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда.

29. Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида буйруқ қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу буйруқ нусхасини бир кун муддатда юборади.

30. Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги буйруғидан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

31. Маҳаллий меҳнат органи ҳамда ҳоким ёрдамчиси ажратилган субсидия ҳисобидан касаначиларнинг касб-хунар ўрганаётганлигини жойига чиққан ҳолда мониторинг қилади.

32. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра талабгор томонидан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ҳамда касаначи касб-хунар ўрганмаётганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи ходими ва ҳоким

ёрдамчиси томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича субсидия ажратилган талабгорга хабарнома юборилади.

33. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи талабгорга ажратилган субсидияни қайтариш бўйича қарор қабул қилади ва унга хабарнома юборади.

Хабарномада талабгор томонидан ажратилган субсидияни қайтариш учун маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитлари кўрсатилиши лозим.

34. Талабгор хабарнома тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида фоиз тўловлари билан бирга) тўлиқ миқдорда қайтариши шарт.


Ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратиш

35. Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар туман (шаҳар)ларнинг тоифасига қараб қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:

Субсидия олувчилар	Субсидия мақсади	Субсидия миқдори ва муддатлари
«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга	шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун	— 6 ой давомида ҳар ойда 1–3-тоифа туман (шаҳар)лар учун БҲМнинг 2 бараваригача, 4-тоифа туман (шаҳар)лар учун БҲМнинг 4 бараваригача ва 5-тоифа туман (шаҳар)лар учун БҲМнинг 5 бараваригача
Шогирдларга	мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун	1–3-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 %и, бироқ БҲМнинг 25 бараваригача, 4-5-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 %и, бироқ БҲМнинг 30 бараваригача
Усталарга	интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун	1–3-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 %и, бироқ БҲМнинг 25 бараваригача, 4-5-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 %и, бироқ БҲМнинг 30 бараваригача
Ҳунармандларга	«Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун	БҲМнинг 5 бараваригача

➤ «Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳунармандлар (кейинги ўринларда — ҳунарманд) шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклдаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

36. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:



Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

37. Маҳаллий меҳнат органи икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва тавсия билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда тавсия ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) субсидия ажратиш тўғрисида маҳаллий меҳнат органининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчисига ва ҳунармандга хабарнома юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари ҳунармандчилик фаолиятини кўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган субсидияларнинг манзиллилиги, самарадорлиги ва уларни мақсадли фойдаланилиши бўйича доимий равишда ўрганиш ўтказиб боради.